

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA MILLIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMAN

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

**MENDELEEV DMITRIY IVANOVICH**  
(1834-1907)

# 2022

## FEVRAL

## №37



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
1-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-1**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 37-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 28 февраль 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 17 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

<b>1. Саидов Мақсудбек Норбоевич, Эшимбетова Дармон Уразбаевна</b> ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ СУДГА ҚАДАР БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ.....	7
<b>2. Севара Гафурова</b> КОНСУЛЛИК ҲИМОЯСИДА КОНСУЛЛИК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ .....	10
<b>3. Хатамов Жаҳонгир</b> ДИНИЙ СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ .....	12
<b>4. Bahodirov Habibullo Hayrullo o'g'li</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINING HAYOTGA TADBIQ ETILISHI.....	14
<b>5. Maxmudova Mavjuda Abdibannopovna</b> JAMIYATNI RIVOJLANISHI VA YANGILANISHIDA YOSHLARNING O'RNI .....	15
<b>6. Qayumova Dildora Shokirovna</b> HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYAT – DEMOKRATIK JAMIYAT POYDEVORI .....	16



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ СУДГА ҚАДАР БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Саидов Мақсудбек Норбоевич,**  
Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари,  
Тошкент шаҳар судининг иқтисодий  
ишлар бўйича судлов хайъати раиси  
эл.почта: mr.msaidov@gmail.com  
**Эшимбетова Дармон Уразбаевна,**  
Тошкент туманлараро иқтисодий суди  
судьяси  
эл.почта: advice\_d@mail.ru  
+99891 165 11 31

**Аннотация.** Мазкур тезисларда хўжалик жамиятлари иштирокчилари ўртасидаги келишмовчиликларни судга қадар бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари, тушунчаси, усуллари, тартиби, аҳамияти ҳамда низоларни суд тартибида ҳал этишнинг хусусиятлари, уларнинг бир-биридан фарқи ва афзалликлари, судгача тартибга риоя қилинмаганликнинг процессуал ҳуқуқий оқибатлари, бу тоифадаги низоларни судлар томонидан кўриб чиқиши жараёнидаги мавжуд муаммолар ва ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши юзасидан фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** хўжалик жамиятлари, иштирокчи, акцияли жамият, масъулияти чекланган жамият, корпоратив низо, талабнома тартиби, таъсис шартномаси

Ҳозирги кунда иқтисодиётимизнинг салмоқли қисмини ташкил этувчи хўжалик жамиятлари, яъни масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда акцияли жамиятлар шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида жамиятнинг умумий манфаати бўлган ўз устав вазифаларини бажариш, ривожланишнинг устивор йўналишларини аниқлаш, белгиланган иқтисодий кўрсаткичларга эришишнинг самарали ва мақбул воситаларини танлаш, улушларга мансубликни белгилаш, дивиденд ва фойдани тақсимлаш ҳамда жамият фаолиятига оид бошқа масалаларда иштирокчилар орасида турли хил фикрлар, ёндошувлар ва уларнинг энг мақбулини танлаш ва тасдиқлашда зиддиятлар, низоларнинг келиб чиқиши табиий ҳол.

Бироқ, ушбу низолар, яъни корпоратив низолар ўзининг тўғри, қонуний ва адолатли ечимини топгандагина жамиятнинг белгиланган вазифаларини ҳал қилишда ҳаракатлантирувчи кучга айланиб, унинг кейинги ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Шу сабабли, қонунчиликда хўжалик жамиятлари иштирокчилари ўртасидаги корпоратив низоларни ҳал қилишнинг икки усули: низоларни судгача баратараф қилиш ва суд тартибида ҳал қилиш белгилаб қўйилган.

Иштирокчилар ҳар қандай масалани умумий йигилишда ўзаро ҳал қилиб олишлари мумкин. Агар бу усулда низоларни ҳал қилишга эришилмаган ҳолларда судга мурожаат қилиш ва низони суд тартибида ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни 7-моддасининг саккизинчи қисмида жамият иштирокчилари ўртасида муросасиз зиддиятлар сабабли қарор қабул қилиш учун етарли овозлар сони мавжуд бўлмаганлиги туфайли жамиятни бошқариш масалалари юзасидан келишувга эришиш мумкин бўлмаган тақдирда, низоли вазият суд тартибида ҳал этилади [1], деб белгиланган.



Хўжалик жамиятлари иштирокчилари ўртасидаги келишмовчиликларни судга қадар ва суддан ташқари бартараф этишнинг бугунги кунда бир нечта усуллари мавжуд бўлиб булар: талабнома тартиби ёки музокаралар, воситачилик (медиация) тартибини келтириш мумкин.

Музокаралар – корпоратив низоларни ҳал қилишда кенг қўлланиладиган усуллардан биридир. Бу усул низолашаётган тарафларнинг бошқалар аралашувисиз, низони ҳал қилиш йўллари фақат ўзлари ишлаб чиқишларига қаратилган тўғридан-тўғри алоқаларини билдиради. Бундай ҳолларда зиддиятли вазиятни бартараф қилишда айнан низолашаётган тарафлар муҳим ўрин тутди.

Низоларни воситачилик (медиация) йўли билан бартараф этишда мустақил ва бетараф ҳисобланган, тарафлар келишувга эришишлари учун кўмаклашадиган воситачи-медиатор асосий роль ўйнайди. Бу жараёнда учинчи тараф, яъни медиатор қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмайди. Медиациянинг ўзига хос хусусияти шундаки, низоли масала тарафлар учун мажбурий бўлган келишув ишлаб чиқиш асосида ҳал этилади.

Низоларни судгача ҳал қилиш жамият иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кўшимча кафолатларидан бири ҳисобланади.

Амалиётда корпоратив низоларнинг муайян қисми судгача бўлган жараёнда ҳал этилади, бу мазкур тартибнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги билан изоҳланади. Чунки, корпоратив низоларни ҳал этишда муқобил усулларни қўллаш низолашаётган иштирокчиларга бир қанча афзалликлар яратади.

Биринчидан, низо тарафлар ўртасида ўзаро келишув асосида ҳар иккала тараф учун ҳам қулай бўлган ҳолатда ҳал этилади.

Иккинчидан, низоли ҳолат суд тартибидоғига қараганда анча тез ҳал этилади. Зеро, корпоратив низоларни ҳал қилишда тезкорлик ва тўғри қарор қабул қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Учинчидан, корпоратив низоларни ҳал этишда муқобил усуллардан фойдаланиш тарафларни катта миқдордаги суд харажатлари ҳамда ишни кўриш билан боғлиқ бошқа чиқимлардан халос этади.

Тўртинчидан, низоларни ҳал қилишда муқобил усулларни қўллаш ишни кўриб чиқиш жараёнининг маълум даражада махфийлигини таъминлаб, керак бўлса, тижорат сирлари тарқалиб кетишининг олдини олади.

Шунга қарамай, бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида корпоратив низоларнинг аксарияти айнан иқтисодий судларда ҳал этилади. Бунинг бир нечта объектив сабаблари мавжуд.

Биринчидан, муқобил усуллар корпоратив низоларни ҳал этишда камдан-кам ҳолларда ёрдам беради ва шу сабабли кўп ҳолларда низолар суд тартибидоғига кўрилиб ҳал этилади. Шунингдек, бу ўринда аксарият даъволар талабнома тартиби, медиация, ҳакамлик эмас, балки давлат судлари ҳиссасига тўғри келаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Иккинчидан, мазкур ҳолат корпоратив муносабат иштирокчиларида низоларни муқобил усуллар ёрдамида ҳал қилишга “қизиқиш суст” эканлиги билан изоҳланади.

Учинчидан, муқобил усуллар корпоратив низоларни ҳал этиш амалиётида нисбатан янги ҳодисадир. Шу сабабли мазкур усуллар миллий амалиётда ҳали етарли даражада мустаҳкамланганича йўқ.

Бундан ташқари тарафларнинг музокара жараёнида низо юзасидан талабларининг аниқ ва саводли қўйилганлиги ҳам бу тартибда кўзланган натижага эришишда муҳим ўрин тутди. Чунки суд амалиётида шундай ҳоллар учрайдики, талабнома тартибидоғига юборилган мурожаатлар низони тинч ҳал қилишда музокарага чақириш ва уни ҳал қилишнинг мақбул вариантлари таклифи эмас, балки тўғридан-тўғри низони судда ҳал қилишга чақирув сифатида билдирилади бўлганлиги ҳам низони бу тартибда ҳал қилишнинг аҳамиятига таъсир қилмоқда.

Бу туркум низоларни ҳал қилишда қонунда ёки шартномада белгиланган низони судгача бартараф этиш тартибига риоя қилинмаслиги бир қанча процессуал оқибатларни келтириб чиқаради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 148-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонунда муайян тоифадаги низолар учун судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби белгиланган ёхуд бу тартиб шартномада назарда тутилган бўлса, фақат тарафлар ўзаро муносабатларини





ихтиёрий равишда ҳал қилиш чораларини кўрганларидан кейингина судда иш кўзғатилиши мумкин [2].

Низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартиби корпоратив низолар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунининг 41-моддасининг тўртинчи қисми [3] ва бошқа қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, бу тартибни тарафлар таъсис шартномаси ва иштирокчилар ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид бошқа ички шартномаларда ҳам белгилаб қўйишга ҳам ҳақлидирлар.

Бундай ҳолларда низоларни судгача ҳал этиш (талабнома юбориш) тартибига риоя қилиш тарафлар учун мажбурий ҳисобланиб, унга риоя қилинмаслик ҳолати қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига кўра, суд даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради;

агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, суд даъво аризасини ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 5-банди асосида кўрмасдан қолдиради;

низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилмаган ва бундай тартибни қўллаш имконияти бой берилган бўлса, ушбу низо юзасидан суд ИПК 110-моддаси биринчи қисмининг 8-банди асосида иш юритишни тугатади.

Шунингдек, амалдаги қонунчиликка кўра айрим низоларни суддан ташқари, медиация чораларини қўллаш тартибида ҳал қилиш қонидаси ҳам белгиланган бўлиб, агар даъвогар низони жавобгар билан медиация тартиб-таомилини амалга ошириш орқали ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу мазкур тоифадаги низолар, жумладан корпоратив низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса, қуйидаги оқибатларни келтириб чиқаради:

ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7<sup>1</sup>-бандига кўра, суд даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради;

агар бу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, суд даъво аризасини ИПК 107-моддаси биринчи қисмининг 5<sup>1</sup>-банди асосида кўрмасдан қолдиради.

Демак, “ушбу тоифадаги низо бўйича низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилмаса, бу ҳолат ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 7-бандига асосан даъво аризасини қайтариш учун, даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган тақдирда 107-моддасининг 5-бандига мувофиқ, даъвони кўрмасдан қолдириш учун асос ҳисобланади” [4].

Даъво аризасини қайтариш ёки кўрмасдан қолдириш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин даъвогар судга даъво аризаси билан умумий тартибда янгидан мурожаат қилишга ҳақли.

Даъво аризаси юзасидан иш юритиш тугатилган тақдирда эса, айтиб ўтиш керак, айни бир шахслар ўртасидаги, айтиб ўтиш керак, предмет тўғрисидаги ва айтиб ўтиш керак, айни бир асослар бўйича низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Юқорида келтирилганларга асосан бугунги кунда корпоратив низоларни судгача бартараф этиш усуллариининг хўжалик жамиятлари иштирокчилари ўртасида кенг қўлланилиши мазкур жамиятларнинг кейинги фаолиятида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/22525>

2. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/3523891>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуни. <https://lex.uz/docs/2382409>

4. М.Н.Саидов. Корпоратив низолар: тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. - Тошкент, 2019.



## КОНСУЛЛИК ҲИМОЯСИДА КОНСУЛЛИК ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Севара Гафурова

PhD (юримдик фанлар)

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

sevaragafurova@mail.ru

телеграм-канал: @Dr.Alisherovna\_science

**АННОТАЦИЯ.** Консуллик дипломатиясининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, унга консуллик ҳимояси амалиётининг муҳим жонлантурувчи омили сифатида қараш зарур. Консуллик дипломатияси доимо дипломатия ва консуллик амалий фаолиятининг узвий боғлиқлигида ривожланган. Мазкур мақолада айнан ана шу масала батафсил ёритилган. Ўз изланишлари натижасида муаллиф, консуллик амалиётининг мунтазам ўсиб боришида айнан унинг дипломатик жиҳатлари муҳим роль ўйнаган, деган фикрга келади.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** пандемия, инсон қадри, консуллик кўмаги, консуллик дипломатияси, ҳуқуқий ёрдам, COVID-19.

Пандемия жараёнлари ва унинг турли жабҳаларга кескин таъсири давлатларнинг ўз фуқароларига ёрдам кўрсатишлари жараёнини янада кучайтирди. Барча давлатлар ўз тараққиёт дастурларида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласини кун тартининг энг долзарб ўрнига чиқардилар. Давлатлар ўз ташқи ва ички сиёсатларида фуқаролар, улар қаерда бўлишларидан қатъий назар, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишини бирламчи вазифа сифатида белгиладилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам 2022 йил “Инсон қадрини уғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинди. Мамлакатимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётини белгилаб берувчи 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил — “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи Президент Фармони қабул қилинди. Бу албатта конструктив ёндашув талаб этадиган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Консуллик дипломатияси глобализация жадаллашган ҳозирги кунда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, бу даврда давлатларнинг ижтимоий аҳволи кўп жиҳатдан уларнинг халқаро савдо-иқтисодий муносабатларда иштироклари билан боғлиқ.

Бугунги кун консуллик дипломатияси долзарблигига мисол сифатида барча ташқи ишлар вазирликларининг COVID-19 пандемияси мисол бўла олади, бу эса 2020-йилнинг март ойида дунё ёпилиши муносабати билан хорижда қолиб кетган фуқароларни репатриация қилиш ва уларга ёрдам бериш бўйича катта свъй-ҳаракатларни талаб қилди. Ҳарқандай ҳолатда консуллик функцияси дипломатия билан уйғунлашади.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатнинг ўзига хос консуллик тарихи ва махсус жиҳатлари қолаверса ҳар бир мамлакатнинг консуллик фаолиятида бошқалардан фарқ қиладиган ўзига хос эволюцияси бор. Бу қаторда яна бир ғоя борки шундаки, “ҳар бир давлат, умуман олганда, бир хил дипломатик мақсадларга эга, аммо консуллик ишларида у ўзига хос равишда ҳуқуқат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларга қараб фарқ қилади”[1]. Халқаро ҳуқуқда қиёсий тадқиқотлар жуда муҳим эканлиги билдиради.

Консуллик дипломатияси доимо дипломатия ва консуллик амалий фаолиятининг узвий боғлиқлигида ривожланган. Консуллик амалиётининг мунтазам ўсиб боришида айнан унинг дипломатик жиҳатлари муҳим роль ўйнаган. Консулларнинг дипломатик ҳуқуқий амалиёт билан қамраб олинганлиги, улардаги имтиёз ва дахлсизлик, хорижий давлатлар расмий идоралари билан узвий мулоқотда бўлиши консуллик ҳимоясини амалга оширишдаги консуллик дипломатиясининг муҳимлигини англатади. Ушбу фикримиз тасдиғини Европа олимлари тадқиқотларида[2] кузатдик, жумладан, уларнинг бирида “консулликлар ўрта асрларда пайдо бўлган ва биринчи навбатда тижорат воситачилиги манфаатларини кўзлаган ҳолда турли Европа давлатлари томонидан ташкил этилган. Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб консулликлар ва уларнинг мансабдор шахслари мақоми ва мавқеи аста-секин, аммо жиддий ўзгаришларни бошдан кечирди, бу уларни Европа дипломатик корпуси билан мустаҳкам



боғлайди. “Консуллик дипломатияси”нинг моҳияти шундан иборат” [3] деган фикр билдирилади.

Бзнинг фикримизча, консуллик ҳимоясини фуқаролар ва жамики ҳамжамият билан ўсиб бораётган дипломатик алоқаларининг бир қисми сифатида кўриб чиқиш лозим. Консуллик амалиётини ҳуқуқий хизматлар тизими билангина чеклаш эмас, балки жамиятга нисбатан олиб борилаётган, инсон кадр-қимматини мустаҳкамлашга қаратилган давлат ички ва ташқи сиёсатининг ўсиб боровчи дипломатик қўналиши сифатида қараш керак.

Консуллик дипломатияси глобаллашган дунё ва иқтисодиётда тобора ортиб бораётган аҳамият касб этмоқда. Консуллик дипломатиясини консулликлар ва консуллик вакиллари орқали олиб бориладиган, классик фаолият, фуқаролар ва корпоратив хизматлар, вакиллик ва бошқа масалаларга қаратилган дипломатия деб таърифлаш мумкин[4]. Консуллик дипломатиясини мамлакатлар, минтақалар ва ҳудудлар ўртасида савдо, туризм ва инвестицияларни рағбатлантириш учун янгича ёндашув сифатида ўрганиш давр талабидир.

Консуллик дипломатиясини глобаллашган дунё ва иқтисодиётда тобора ортиб бораётган аҳамиятини инобатга олиб, дипломатик ваколатхоналар томонидан амалга ошириладиган анъанавий дипломатия билан солиштирганда дипломатик ҳокимиятнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлишини таъкидлаш лозим. Консуллик дипломатиясини консулликлар ва консуллик вакиллари орқали олиб бориладиган, виза функцияларининг классик фаолияти, фуқароларга хизмат кўрсатиш, вакиллик ҳамда мамлакатлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва шахслар ўртасида савдо, туризм ва инвестицияларни илгари суриш масалаларига йўналтирилган дипломатия сифатида амалий асослаш мумкин.

Хулоса шрнида айтиш жоизки, бугунги воқеликда жаҳон ва жаҳон иқтисодиётида жадаллашган глобаллашув ва минтақавийлашув жараёнлари ахборот-коммуникатсия технологияларининг таъсирчан ўсиши билан бир қаторда, сўнгги йилларда улар халқаро муносабатлар соҳасидаги трансформацион жараёнлар бошқача қилиб айтганда, консуллик хизмати ҳақидаги анъанавий академик ва амалий тушунчани ўзгартиришга муқаррар эҳтиёж кузатилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Rodrigo Márquez Lartigue. A New Tool for Foreign Policy: Consular Diplomacy // Consular and Public Diplomacies Blog. <https://www.consulardiplomacy.com> 2020. P.27.
2. Tsinoi, Alexei, & Adler-Nissen, Rebecca. Inversion of the ‘Duty of Care’: Diplomacy and the Protection of Citizens Abroad, from Pastoral Care to Neoliberal Governmentality // The Hague Journal of Diplomacy, 13(2). 2018. 211-232.
3. Mathieu Jestin, « The affirmation of a “consular diplomacy” during the modern period », Encyclopédie d’histoire numérique de l’Europe [online], ISSN 2677-6588, published on 22/06/20, consulted on 15/02/2022. Permalink : <https://ehne.fr/en/node/12184>
4. Gregory C Stanley. Consular Diplomacy. Transformation of Diplomacy and the Role of Honorary Consuls in the 21 st Century // <https://www.slideserve.com/cstanley/consular-diplomacy-powerpoint-ppt-presentation>. 2019. P.32.



## ДИНИЙ СОҶА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хатамов Жаҳонгир,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Ҳуқуқшунослик бўлими мудири

**АННОТАЦИЯ:** Мақола Республикамизда диний соҳа эгаларининг иш ҳажми тарихдан қонуна тартибга солинмаганлиги ва бугунги кунда уларнинг фаолият кўлами кенгаётганлиги келтирилган. Мазкур мақоладаги масалалар ўз навбатида ҳуқуқий тартибга солинишини тақозо этиши, диний хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши ва кафолатланишига оид амалиётдаги муаммоларни бартараф этилишига қаратилган бўлиб, унда мазкур соҳада олимларнинг фикрлари келтирилган.

**Калит сўзлар:** диний ташкилотлар, диний хизматчилар (муфтий, вилоят, туман (шаҳар) бош имом-хатиблари имом-хатиблар, имом ноиблари, муаззин, мухтасиб, отинойи)

Бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бирига айланган диний-маърифий соҳани янада такомиллаштириш, жамиятда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади.

Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аجدодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Диний соҳадаги Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган эди. Бугун жамият, чиндан ҳам, ана шундай концепцияга эҳтиёж сезяпти. Ушбу ҳужжатда диний ташкилотлар билан алоқалар, жамиятда диннинг ўрни каби масалаларда давлатнинг аниқ ва тизимли қарашлари ҳамда йўналишлари акс этиши зарур. Умуман, Концепция диний соҳадаги давлат сиёсатини очиқ ва шаффоф акс эттирувчи ҳамда стратегик вазифаларни қамраб олувчи ҳужжат бўлиши керак [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги 5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан диний-маърифий соҳани тартибга солишга қаратилган қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини бошлашга асос бўлди.

Мамлакатимизда ташкил этилган Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Хадис илми мактаби бой илмий-тарихий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Мазкур кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш диний-маърифий соҳада хизмат кўрсатувчи ходимларга улкан масъулият юклайди.

Бугунги кунда муфтий, вилоят, туман (шаҳар) бош имом-хатиблари имом-хатиблар, имом ноиблари, муаззин, мухтасиб, отинойи каби диний хизматчилар меҳнатини тартибга солиш хусусиятларини ишлаб чиқишга кун тартибидаги масалалардан бири ҳисобланади. Сабаби, мазкур соҳа вакилларининг иш вақти режими бошқа соҳа вакилларидан тубдан фарқ қилади. Аҳолининг диний эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ҳамда Ислом динида 5 вақт намоз вақтларини ўз вақтида бажаришни ҳисобга олган ҳолда имом-хатиб ва имом ноибларининг иш вақти кунига 8 соатлик иш вақти нормасига тўғри келмайди. Бомдод ва хуфтон намозларининг ўқиш вақти (ёз фаслида шом намози ҳам) бугунги кунда иш вақтидан кейинги вақтга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддаси [2]да белгиланган барча расмий байрам кунларида Республикамизда жуда кам сонли корхона, ташкилот ва муассасаларда иш куни ҳисобланади. Жумладан, масжидлар шу байрам кунларида ҳам аҳолининг диний эҳтиёжини қондириш учун диний хизматчилар фаолият юритишади.



Шу ўринда юридик фанлар доктори Ш.Исмоиловнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўз аксини топиши лозим бўлган меҳнатни тартибга солиш хусусиятларини танлаб олишда қонун чиқарувчи аниқ ва изчил тасаввурга эга эмас. Бу эса дифференциацияни чуқурлаштиришнинг бошланғич концептуал асослари мавжуд эмаслигини ва уларнинг ихтиёрий равишда танланишини билдиради. Мисол учун янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси лойиҳасида диний хизматчилар каби ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари ўрнатилмаганлиги фикримизнинг тасдиқлайди.

Мазкур хулосага қўшилган ҳолда, келгусида Олий мажлис янги таҳрирдаги Кодекс лойиҳасига диний соҳа ходимларининг меҳнатини ўзига хослигидан келиб чиқиб алоҳида боб киритса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хорижий мамлакатлар меҳнат қонунчилигини ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятларига диний ташкилотлар ходимлари ҳам киритилган. Жумладан, Россия Федерацияси Меҳнат кодексининг 54 боби “Диний ташкилот ходимлари меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари”, деб номланиб, у ўз ичига 342-348-моддаларни олади [3].

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига **“Диний ташкилотлар ходимлари меҳнатини тартибга солишнинг хусусиятлари”** деб номланувчи **янги боб ва моддалар** билан тўлдириш таклиф этилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. <https://religions.uz/news/detail?id=1234>
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат, 2016.
3. Исмоилов.Ш.А. Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусиятлари// (Doctor of Science) юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Т.: ТДЮУ, 2020. –Б.226.



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATINING HAYOTGA TADBIQ ETILISHI

**Bahodirov Habibullo Hayrullo o‘g‘li**  
Farg‘ona viloyati yuridik texnikumi o‘quvchisi

**Annotatsiya:** maqolada hozirgi kunda yoshlarga berilayotgan imkoniyatlar hamda yoshlarga oid davlat siyosatining ahamiyati xususida fikrlar berilgan.

**Kalit so‘zlari:** yoshlarga oid davlat siyosati, huquq, konstitutsiya.

O‘zbekistonda so‘nggi yillarda yoshlar sohasida amalga oshirilayotgan islohotlar yoshlarning huquq va qonuniy manfaatlarini ta‘minlash, o‘z salohiyatini to‘laqonli ro‘yobga chiqarish uchun qulay imkoniyatlar yaratish, jamiyat va davlat ishida ishtirokini kengaytirish, ijtimoiy-iqtisodiy yangilanishlar davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlari hisoblanadi.

Yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasini shakllanishi mamlakatni modernizatsiyalash jarayoni bilan birga kechmoqda. Jamiyatni demokratiyalashuvi jarayonida aholining asosiy qatlamini tashkil etuvchi yoshlarda sotsial-siyosiy yetuklikning shakllanishi-bu rivojlangan bozor iqtisodiyotiga asoslangan chinakkam demokratik, huquqiy davlat va erkin fuqarolik jamiyati qurishning nafaqat maqsadi balki, uning vositasi, eng muhim sharti hisoblanadi.

*“Davlat xalq irodasini ifoda etib, uning manfaatlariga xizmat qiladi. Davlat organlari va mansabdor shaxslar jamiyat va fuqarolar oldida mas‘uldirlar”* -deyiladi Konstitutsiyamizning 2-moddasida. Demak, davlat xalq manfaatini ko‘zlab, o‘z faoliyatini yuritadi. Xalqning ko‘pchilik qismini esa bugungi kunda yoshlar tashkil etadi. O‘zbekistonda 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar soni 18 milliondan oshdi. Bu esa mamlakatimiz aholisining 55 foizini tashkil etadi. Yoshlarning miqdor jihatidan o‘sishi rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlarga nisbatan ham yuqori ko‘rsatkichga ega. Shu nuqtai-nazardan yondashadigan bo‘lsak, aholining ko‘pchilik qismini tashkil etayotgan yoshlarni sotsial-siyosiy qiyofasining shakllanganlik darajasi ham katta ahamiyat kasb etadi.

Jumladan, 2016-yil 14-sentyabrda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi **“Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘risida”**gi Qonunning 5-moddasida yoshlarga oid davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlari sifatida yoshlarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini ta‘minlash, yoshlarning hayoti va sog‘lig‘ini saqlash, yoshlarning ma‘naviy, intellektual, jismoniy va axloqiy jihatdan kamol topishiga ko‘maklashish, yoshlar uchun ochiq va sifatli ta‘limni ta‘minlash, yoshlarni ishga joylashtirish va ularning bandligi uchun shart-sharoitlar yaratish, yoshlarni vatanparvarlik, fuqarolik tuyg‘usi, bag‘rikenglik, qonunlarga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida, zararli ta’sirlar va oqimlarga qarshi tura oladigan; yoshlarni axloqiy negizlarni buzishga olib keladigan xatti-harakatlardan, terrorizm va diniy ekstremizm, separatizm, fundamentalizm, zo‘ravonlik va shafqatsizlik g‘oyalaridan himoya qilish, yoshlarning huquqiy ongi va huquqiy madaniyati darajasini yuksaltirish, iqtidorli va iste‘dodli yoshlarni qo‘llab-quvvatlash hamda rag‘batlantirish, yoshlar tadbirkorligini rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, shuningdek yoshlarning bo‘sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish va yoshlar sportini ommaviy rivojlantirish uchun shart-sharoitlar yaratish, yosh oilalarni ma‘naviy va moddiy jihatdan qo‘llab-quvvatlash, ular uchun munosib uy-joy va ijtimoiy-maishiy sharoitlarni yaratish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar tizimini amalga oshirish kabi masalalarini o‘z ichiga olgan.

Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash tizimini tubdan isloh qilish va yanada rivojlantirish maqsadida 2021-yil mamlakatimizda **“Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholi salomatligini mustahkamlash yili”** deb e‘lon qilindi. Ushbu yil davlat dasturining amalga oshirilishi yoshlarga e‘tibor va g‘amxo‘rlik siyosatining yana bir yorqin amaliy namoyoni bo‘lganini barchamiz kundalik hayotdagi ko‘plab imkoniyat va yangiliklar misolida guvohi bo‘ldik.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, Bu huquqiy kafolatlar va yaratilgan imkoniyatlar yoshlar sotsial-siyosiy qiyofasini shakllanishida katta ahamiyat kasb etadi va ularning kayfiyatlari ijobiy tomonga o‘zgarishiga sabab bo‘ladi. Faqatgina endi yoshlar o‘z pozitsiyasida faol bo‘lib, o‘z kuchi va bilimiga tayangan holda yuksak marralar sari intilishlari darkor.

### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T.: 2020
2. O‘zbekiston Respublikasi Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘riidagi qonun. 2016-yil 15-sentabr



## JAMIYATNI RIVOJLANISHI VA YANGILANISHIDA YOSHLARNING O‘RNI

**Maxmudova Mavjuda Abdibannopovna**  
Farg‘ona yuridik texnikum Kengash kotibi

**Annotatsiya:** maqolada jamiyatimizni rivojlanishida yoshlar o‘rni hamda hozirgi kunda yoshlarga berilayotgan imkoniyatlaru xususida fikrlar berilgan.

**Kalit so‘zlari:** jamiyat, yoshlar, ijtimoiylashuv, demokratik davlat.

O‘zbekistonda demokratik huquqiy davlat, fuqarolik jamiyati qurishdek strategik bosh maqsad - vazifani amalga oshiruvchi kuch yoshlardir. Yoshlar jamiyat ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, madaniy-ma’naviy yangilanishining muhim subyektlaridan bo‘lib, jamiyatda sodir bo‘layotgan murakkab jarayonlarga o‘z ta’sirini o‘tkazishda va taraqqiyotni harakatga keltirishda muhim ro‘l o‘ynaydi. Birinchi prezidentimiz ta’kidlaganiday - “Biz mamlakatimizning istiqboli yosh avlodimiz qanday tarbiya topishiga, qanday ma’naviy fazilatlar egasi bo‘lib voyaga yetishiga farzandlarimizning hayotga nechog‘lik faol munosabatda bo‘lishiga, qanday oliy maqsadlarga xizmat qilishiga bog‘liq ekanini hamisha yodda tutishimiz kerak”.

O‘zbekistonda 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar soni 18 milliondan oshdi. Bu esa mamlakatimiz aholisining 60 foizini tashkil etadi. Yoshlarning miqdor jihatidan o‘sishi rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlarga nisbatan ham yuqori ko‘rsatkichga ega. Shu nuqtai-nazardan yondashadigan bo‘lsak, aholining ko‘pchilik qismini tashkil etayotgan yoshlarni sotsial-siyosiy qiyofasining shakllanganlik darajasi ham katta ahamiyat kasb etadi. Ular o‘zlarining yoshiga xos xususiyatlari jamiyatda kutgan o‘rni, roli, ijtimoiy-ruhiy jihatlari bilan aholining boshqa guruh, qatlamidan ajralib turadigan sotsial-demografik guruhlardir.

Universal biologik taraqqiyotning ma’lum bir tashkil etadigan yoshlik davri ijtimoiy- tarixiy xarakterga ega bo‘lib u har bir insoniyat jamiyatidagi ijtimoiy tuzum va unga mos bo‘lgan sotsiallashtirish qonunlariga bog‘liq bo‘ladi. Ta’lim olishning poyoniga yetishi malakaga ega bo‘lish, mustaqil mehnat faoliyatining boshlanishi, turli ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy-madaniy va haq-huquqlaridan foydalanish, moddiy jihatdan ota-onalarga bog‘liq bo‘lmaslik, oila qurish va farzandlik bo‘lish kabi jarayon faoliyatlarining birligi kishini to‘laqonli balog‘at yoshiga va unga mos maqomga erishishga olib keladi. Yoshlar tarbiyasi va unga bo‘lgan munosabat yuqorida qayd etilganidek jamiyatdagi mavjud ijtimoiy siyosiy tuzumga, jamiyatni o‘z oldiga qo‘ygan maqsad vazifalarini uddalay olish qobiliyatiga va eng muhimi davlatga va uning demokratik erkinlik haq-huquqlarini ta’minlay olish jarayoniga bog‘liq. Ta’kidlash joizki, davlatimizning yoshlarga oid siyosati ularning jamiyatdagi boshqa guruh va qatlamlar bilan bo‘lgan munosabatlarida ijtimoiy adolat me’yorlari, tamoyillariga rioya qilish va eng muhimi, ularga yaratilayotgan shart-sharoitlar yoshlarning shunchaki hayot kechirishlari uchungina emas, balki ularning har tamonlama rivojlanishini ta’minlashga qaratilganidir. Bugungi kunda yoshlarning ijtimoiy-siyosiy hayotdagi faolligi, davlat va jamiyat qurilishidagi ishtiroki muhim ahamiyatga ega. Chunki, yoshlar tabiatan o‘zgarishlar yaratishga qodir bunyodkor kuch bo‘lib, demokratik islohotlarni chuqurlashtirishga katta hissa qo‘shadilar. Aholisining 60 foizdan ortig‘ini yoshlar tashkil qiladigan O‘zbekiston uchun bu omil ayniqsa iihimdir.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, O‘zbekiston Reaspublikasida bugun yangicha fikrlaydigan, o‘z kelajagini jamiyatda demokratik qadriyatlarni mustahkamlash bilan, davlat taraqqiyotiga o‘ziga xos munosib hissa qo‘shayotgan yangi avlod vakillarining ijtimoiy hayotga kirib kelishi, davlat tomonidan yoshlarga alohida e’tibor qaratilayotgani va mamlakatni modernizatsiyalash, kelajagi porloq O‘zbekiston rivojida muhim ahamiyat kasb etmoqda. Shu bilan birga jamiyat ijtimoiy-siyosiy hayotida yoshlarning roli va mas’ulligi oshib bormoqda.

### **Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Mirziyoev Sh. Jismoniy va ma’naviy yetuk yoshlar – ezgu maqsadlarimizga yetishda tayanchimiz va suyanchimizdir. “Xalq so‘zi” 2017
2. O‘zbekiston Respublikasi Yoshlarga oid davlat siyosati to‘g‘riidagi qonun. 2016-yil 15-sentabr



**HUQUQIY ONG VA HUQUQIY MADANIYAT – DEMOKRATIK JAMIYAT  
POYDEVORI**

**Qayumova Dildora Shokirovna**

Farg‘ona viloyati yuridik texnikumi yuridik klinika rahbari

**Annotatsiya:** maqolada huquqiy davlat qurishda huquqiy ong va huquqiy madaniyatning ahamiyati xususida fikrlar berilgan.

**Kalit so‘zlari:** huquqiy davlat, huquqiy ong, huquqiy madaniyat.

Aholining huquqiy madaniyati va huquqiy ongini yuksaltirish, huquqiy ta’lim va ma’rifatni, jamiyatda huquqiy bilimlar tartibotini tubdan yaxshilash, inson huquq va erkinlariga chuqur hurmat va ehtiromga asoslangan munosabatni, odamlarda qonunga itoatkorlik tuyg‘usini, qonunlarni bilish va unga qat’iy amal qilish saodatmandligini qaror toptirish bugungi kunning zaruriy talabi bo‘lib kelmoqda.

Bugungi kunda jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirib borish qonun ustuvorligini ta’minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. So‘nggi yillarda mamlakatimizda milliy huquq tizimini tubdan isloh qilish, jamiyatda huquqiy madaniyatni shakllantirish hamda malakali yuridik kadrlarni tayyorlash borasida sezilarli ishlar amalga oshirilib kelinmoqda. Buning yorqin namunasi sifatida 2019-yil yanvarda qabul qilingan O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘risida” Farmonini keltirishimiz mumkin.

Unda jamiyatda yashayotgan har bir inson huquq va erkinliklariga hamda uning qonun bilan qo‘riqlanadigan manfaatlariga o‘zaro hurmat munosabatini shakllantirishga, aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga, jamiyatda fuqarolarning huquqiy savodxonligi darajasini yanada oshirishga to‘sqinlik qilayotgan bir qator muammo va kamchiliklar mavjudligi qayd etib o‘tilgan. Huquqiy demokratik davlat va adolatli fuqarolik jamiyati qurish jarayonida, avvalo, har bir fuqaroning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini shakllantirib borish asosiy va muhim vazifa hisoblanadi. Huquqiy davlat qurishning zaruriy sharti - bu qonunlarning so‘zsiz bajarilishidir. Qonunlarning bir xilda va so‘zsiz bajarilishi har bir shaxsning o‘z vazifasiga munosabati va zimmasidagi mas’uliyatni his qilishiga bog‘liqdir.

Huquqiy madaniyatning yuksak darajada bo‘lishi huquqiy davlatning o‘ziga xos xususiyatidir. Bozor iqtisodiyotini shakllantirish sharoitida huquqiy madaniyatni oshirish muhim vazifa sanaladi. Shu o‘rinda aytib o‘tish joizki, O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish sohasida muvofiqlashtiruvchi davlat organi bo‘lib hisoblanadi. Hozirda farmonga asosan shaxsan Adliya vaziri Ruslanbek Davletov boshchiligida Advice.uz huquqiy axborot tizimi faoliyat ko‘rsatmoqda, xususan mamalakamiz ko‘plab fuqarolari ushbu tizimdan bir necha bor foydalanib savollariga yetarlicha javob olishmoqda. Bundan tashqari huquqiy targ‘ibot-tashviqot olib borish ishlari ham bir muncha yaxshilangan. Mahallalarda, joylarda malakali huquqshunoslar tomonidan tushuntirish ishlari olib borilmoqda. O‘zbekistonda demokratik huquqiy davlatni shakllantirish jamiyat, mansabdor shaxslar va fuqarolarning huquqiy madaniyatini oshirishni talab qiladi. Shuning uchun huquqiy davlatning muhim belgisi – huquqiy madaniyatdir. Bugungi kunda aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksaltirish masalalari davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishiga aylandi. Mamlakatimizning rivojlanishi va islohotlarning muvaffaqiyati ko‘p jihatdan aholining huquqiy ongi hamda huquqiy madaniyati darajasiga bog‘liqdir.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, hozirda yurtimizning barcha jabhalarida tub o‘zgarishlar yuz berayotgan mas’uliyatli pallada huquqiy tarbiyaning barcha shakl va usullaridan samarali foydalanish muhim ahamiyat kasb etishini yoddan chiqarmasligimiz lozim. Bunda jamiyat yashayotgan har bir shaxsning umumiy kasbiy madaniyati, siyosiy, axloqiy salohiyati inobatga olinsa, ko‘zlangan natijaga erishish oson kechadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Jamiyatda huquqiy madaniyatni yuksaltirish bo‘yicha tadbirlarni monitoring qilish va baholash to‘g‘risida Nizom. 2019 (<https://lex.uz/ru/docs/4300837>)
2. Islomov.Z.M. Davlat va huquq nazariyasi. –T.: 2007



# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 1-ҚИСМ

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 28.02.2022

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---